

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МУРОДОВ БАХТИЁРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Муродов Бахтиёржон Баходирович

Жиноят ишлари тугатиш институти тақомиллаштириш 3

Муродов Бахтиёржон Баходирович

Совершенствование института прекращения уголовного дела 35

Murodov Baxtiyorjon Baxodirovich

Improving the institute termination of criminal proceedings 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 69

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МУРОДОВ БАХТИЁРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Yu18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ражабова Мавжуда Абдуллаевна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна юридик фанлар доктори, профессор Тўлаганова Гулчехра Захитовна юридик фанлар доктори, профессор Мирзаев Азиз Алишерович юридик фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ тарқатилди.
(2018 йил «__» _____даги __ рақамли реестр баённомаси).

Ў.Х. Мухамедов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

И.Ю. Фазилов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, юридик
фанлар доктори

А.Г. Закирова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фoш этиш, жабрланувчига етказилган мулкый зарарни қoплаш, айбсиз инсонни жавобгарликка тортилмаслиги ва реабилитация қилинишида жиноят ишини тугатиш институти муҳим роль ўйнайди. Суд-тергов органлари фаолиятининг таҳлили жиноят ишига қонунга хилоф равишда жалб этилган айбланувчиларни оқлаш, жиноят йўлига адашиб кириб қолган ва қилмишидан пушаймон бўлганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳамда жиноят содир этган шахсларнинг айбига иқрор бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Жаҳонда айбсиз шахсларнинг қонунга хилоф равишда жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш йўли билан тарафлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш, жиноят натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни қoплашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги бу борада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Жиноят содир этган шахсларнинг айбига иқрор бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноят ишини тугатишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортмай туриб, ахлоқан тузатиш, жабрланувчиларга етказилган мулкый зарарни тўлиқ қoплаш, шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, жиноий жазолар ва уларнинг ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқиш процессуал тартибини такомиллаштириш»¹ каби масалалар назарда тутилган. Бу эса, жиноят ишини тугатиш асосларини қўллаш шартларини соддалаштириш, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этиш имконини берадиган рағбатлантирувчи нормаларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш учун жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтиришни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Айниқса, бу борада суд-тергов идоралари фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон, 2018 йил 22 январдаги «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Жиноят ишини тугатиш институти самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан American University of Armenia (Армения), Australian Law Reform Commission (Австралия), Harvard University (АҚШ), Miskolc University (Германия), Tilburg University (Голландия), University of Delhi (Хиндистон), University of Trento (Италия), Stefan cel Mare Academy (Молдова), Россия Ички ишлар вазирлигининг Москва университети, Волгоград академияси, Москва давлат юридик академияси, Саратов давлат юридик академияси (Россия), Тошкент давлат юридик университети ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: диспозитив нормаларни оғир жиноятлар бўйича қўллаш зарурати асослантилган (American University of Armenia (Армения), Australian Law Reform Commission (Австралия), Miskolc University (Германия); жавобгарликдан озод қилишнинг ижтимоий-сиёсий,

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://aua.am>, www.alrc.gov.au, www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, www.tilburguniversity.edu, www.du.ac.in, <http://www.unitn.it/en>, msal.ru, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, сгуа.рф, mail.va-mvd.ru ва бошқа манбалардан олинган.

жиноят-процессуал, жиноят-ҳуқуқий ва тарбиявий аҳамияти аниқланган (Harvard University (АҚШ), Tilburg University (Нидерланды), University of Delhi (Ҳиндистон), Stefan cel Mare Academy Молдова); айбсиз шахсни реабилитация қилиш асосларининг моҳияти очиб берилган (Harvard University (АҚШ), Stefan cel Mare Academy (Молдова), Россия Ички ишлар вазирлигининг Москва университети (Россия); эълон қилинган амнистия қарори асосида жиноят ишини тугатишда жабрланувчининг розилигини олиш зарурати асосланган (Саратов давлат юридик академияси, Россия Ички ишлар вазирлигининг Волгоград академияси (Россия); жиноят-процессуал муносабатларда ярашув ва хусусий айблов институтларини самарали қўлланилишига тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланган (Тошкент давлат юридик университети (Ўзбекистон); жиноят ишини тугатиш институтининг жиноятчиликка қарши кураш имкониятлари очиб берилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини самарали қўлланилиши билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали жиноят-процессуал муносабатларда айбсизлик презумпцияси принципи талабларининг устуворлигини таъминлаш; тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш институтини қўллаш доирасини кенгайтириш; суд-тергов органларининг жиноят ишини тугатиш асосларини қўллашга доир фаолиятини такомиллаштириш; шахснинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан жиноятчиликни профилактика қилиш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари Ғ. Абдумажидов, Ш. Бердиев, З.Ф. Иноғомжонова, Д. Камалходжаев, Р. Кабулов, А.Б. Кулахмедов, О.М. Махкамов, К. Мирзажонов, Ф.М. Мухитдинов, Ш.Г. Ниёзова, М.А. Ражабова, М.Х. Рустамбаев, С.М. Саҳаддинов, Г.З. Тулаганова, А.С. Якубов³ ва бошқаларнинг илмий ишларида жиноят ишини тугатиш йўли билан шахсни жавобгарликдан озод қилиш асосларининг қўлланилишига оид умумий масалалар тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят ишини тугатиш асосларига оид илмий изланишлар А.С. Абдигалымова, А.А. Бержанин, О.В. Волынская, А.В. Ендольцева, А.Г. Калугин, М.А. Лавнов, М.В. Нагуляк, З.И. Сагитдинова, А.К. Ташибаева, Lilit Grigoryan, Ozolina Julija, Krisztina Farkash, Jue Jiang ва Saurabh Kulshreshtha каби чет эл олимлари томонидан олиб борилган.

Республикамизда жиноят-процессуал муносабатларда реабилитация (Д.Камалходжаев), суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш (С.М. Саҳаддинов), муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари

³ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

(Ш.Г. Ниёзова) мавзуларида номзодлик ҳамда амнистия ва афв этиш назарияси ва амалиёти (К.Мирзажонов) жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари (Ш.Бердиев) мавзуларида докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ушбу тадқиқотларда жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари (реабилитация, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги, тарафларнинг ярашганлиги ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилиш муаммолари) тадқиқ этилган.

Юқоридаги диссертация тадқиқотларида жиноят ишини тугатиш асосларининг таснифланиши, жиноят ишини тугатиш орқали шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига мутаносиблиги, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг процессуал тартиби, жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтириш, шунингдек жиноят ишини тугатиш асослари ва уларни қўллашнинг процессуал тартибига доир масалалар комплекс равишда ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» илмий тадқиқоти доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноят ишини тугатиш асосларининг таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

жиноят ишини тугатиш йўли билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг айбсизлик презумпцияси ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига мутаносиблигини ўрганиш;

жиноят ишини тугатиш институтининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

реабилитация асосларининг моҳиятини очиб бериш, айбсиз шахсларни оқлаш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклашнинг процессуал тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

жабрланувчиларга етказилган мулкӣ зарарни қоплашнинг ҳуқуқӣ механизмини чуқур таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини таъминлаш ва хусусӣ айблов институтини қўллаш доирасини янада кенгайтиришга оид тавсиялар бериш;

оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларнинг айбига иқроп бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишини таъминлаш йўли билан уларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал тартибини белгилаш ва миллий қонунчиликка жорий этиш имкониятларини ўрганиш;

ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида суд-тергов органларининг жиноят ишини тугатиш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят ишини тугатиш институтига доир жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишини тугатиш асослари билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят ишини тугатиш асосларига оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантиқийлик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноят-процессуал қонун нормаларининг тўғри қўлланилиши ва айбсиз шахсларнинг қонунга хилоф равишда жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш учун жиноят ишини тугатиш институтини реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларга ажратиш таснифи ишлаб чиқилган;

жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун амнистия ҳақидаги қарорларда етказилган мулкий зарарни қоплаш талаб этилган жиноят турларининг доирасини кенгайтириш зарурати асосланган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш учун давлат улуши бўлмаган юридик шахснинг мол-мулкани уларнинг ходими томонидан фирибгарлик ёки ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари бўйича жиноят ишини қўзғатишни мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризаси асосида амалга ошириш лозимлиги асослаб берилган;

тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишда етказилган зарарни бартараф этиш шакли ва миқдори фақат жабрланувчининг хоҳиши асосида белгиланилиши таклиф этилган;

дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахс (депутат, сенатор, судья, Судьялар олий кенгаши аъзоси, прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили)ни жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли орган ёки мансабдор шахснинг розилиги талаб этилган

ишлар юзасидан, бундай розиликнинг йўқлигини жиноят ишини тугатишнинг янги асоси сифатида жорий этиш зарурати исботланган;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш имконини берадиган «тарафларнинг келишув битими» деб номланган янги институтни миллий қонунчиликка жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиноят ишини тугатиш асослари ва уларни қўллашнинг процессуал тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар суд-тергов амалиётида жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишига, айбсиз шахснинг оқланишига, жиноят содир этганларнинг айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига, жабрланувчиларга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига хизмат қилади.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат жиноят ишини тугатиш институтининг такомиллаштирилишига, балки жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқлари янада кенгайтирилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шархлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» ва «Дастлабки тергов» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят ишини тугатиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, диспозитив нормаларни янада кенгайтириш ҳамда тарафлар ўртасида келишув битимига доир нормаларни жорий этиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» ва «Дастлабки тергов» фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят ишини

тугатиш асослари ва уларнинг қўллаш процессуал тартибини эркинлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот натижалари ИИВ Академиясининг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 06.01.2018 й. 38/31-57-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

жиноят-процессуал қонун нормаларининг тўғри қўлланилиши ва айбсиз шахсларнинг қонунга ҳилоф равишда жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мавжуд коллизия ҳолатларни бартараф этишга оид таклифлардан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-411-сонли қонунни шакллантирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 14.10.2016 й. 06/1-05/1351 вх-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг инobatга олиниши жиноят-процессуал қонундаги жиноят ишини тугатиш институтига доир нормаларнинг айбсизлик презумпцияси принципига мувофиқлигини таъминлашга ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида мавжуд коллизия ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилган;

жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун амнистия ҳақидаги қарорларда етказилган мулкӣ зарарни қоплаш талаб этилган жиноят турларининг доирасини кенгайтириш юзасидан берилган таклифлардан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-405-сонли қонунни шакллантирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 14.10.2016 й. 06/1-05/1351 вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф жиноят-процессуал муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилган;

жиноят ишини қўзғатишда жабрланувчининг розилигини олиш ҳолатларини кенгайтириш ҳамда хусусий айблов институтини янада ривожлантиришга доир таклифлардан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-345-сонли қонунни шакллантирилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 14.10.2016 й. 06/1-05/1351 вх-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг амалга оширилиши жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларидаги коллизияларни бартараф этиш, жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқӣ мақомини мустаҳкамлаш ҳамда

диспозитив нормаларни қўллаш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишда етказилган зарарни бартараф этиш шакли ва миқдори фақат жабрланувчининг хоҳиши асосида белгилаш ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда гумон қилинган шахсларнинг тергов органлари билан ҳамкорлик қилишини таъминлашга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишда зарар миқдорини белгилаш ва уларни тўлиқ бартараф этиш, амнистия тўғрисидаги қарор асосида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш, Жиноят-процессуал кодекси 325-моддаси талабларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 12.07.2016 й. 18/4486-сонли маълумотномаси). Диссертантнинг мазкур таклифини амалга оширилиши жиноят содир этган шахснинг айбига иқрор бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишига, шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал тартибини янада такомиллаштирилишига ҳамда жиноят ишини тугатишда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминловчи қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган хатоларнинг олди олинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 14 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 20.03.2014 й. 47-сонли фармойиши асосида) ҳамда Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 06.04.2015 й. 39-сонли фармойиши асосида) ички ишлар бошқармаларининг ходимлари билан ўтказилган сайёр ўқув машғулотларида диссертант томонидан ўтказилган маърузаларда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва ишни тугатиш асосларини қўллаш самарадорлигини янада оширишга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та (14 та республика ва 4 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 242 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жиноят ишини тугатиш институтининг вужудга келиши, ривожланиши ва таснифи»** деб номланган бўлиб, унда муаллиф жиноят ишини тугатиш тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти, жиноят ишини тугатиш институтига оид жиноят-процессуал қонун нормаларининг ривожланиши, жиноят ишини тугатиш асосларининг таснифланиши ҳамда жиноят ишини тугатиш институтининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўзаро боғлиқлиги атрофлича ёритиб берилган.

Муаллиф ўз эътиборини «жиноят ишини тугатиш» тушунчаси ва унинг аҳамиятини ёритишга қаратади. Унинг фикрича, жиноят ишини тугатиш ишнинг яқунловчи босқичи бўлиб, тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахс иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндисини баҳолаш орқали ушбу асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилади ва жиноят ишини тугатиш хусусида хулосага келади.

Шу билан бирга, муаллиф жиноят ишини тугатиш масаласи тегишли ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс томонидан ишга тааллуқли барча ҳолатлар тўғрисида ишонарли маълумотлар тўпланиб, аниқланган фактлар ўз исботини топганидан кейингина ҳал этилиши мумкинлигини қайд этади.

Муаллиф жиноят ишини тугатиш хусусидаги хулоса талаб даражасида бўлиши учун мазкур хулоса ўзида қонунийлик, асосланганлик ва умуммажбурийлик каби хусусиятларни акс эттириши лозимлигини илмий жиҳатдан асослаб, уларнинг моҳиятини ёритиб беради. Унинг фикрича, жиноят ишини тугатиш институти шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёки жиноят йўлига адашиб кириб қолганларга қонунга хилоф хатти-ҳаракатларидан астойдил пушаймон бўлиб, жавобгарликдан озод бўлиш имконини бериш билан бирга, келгусида жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий-сиёсий, жиноят-процессуал, жиноят-ҳуқуқий ва тарбиявий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек диссертация муаллифи жиноят ишининг ҳар томонлама асосли тугатилиши ишни юритган мансабдор шахснинг хатосини ёки бошқа бир камчилигини кўрсатмаслигини қайд этиб, бу иш жиноят процессининг қонуний ва мантиқий хулосаси ҳисобланишига урғу бериб, жиноят-

процессуал қонунда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади, деб таъкидлайди.

Амалдаги ЖПКда жиноят ишини тугатиш институти реабилитация қилиш асослари ва айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асосларига ажратилиб таснифланган бўлса-да, жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида жиноят ишини тугатиш институтининг таснифи юзасидан яқдил фикр мавжуд эмас.

Жиноят ишини тугатиш асосларини тўғри таснифлаш суд-тергов фаолиятида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлиқ таъминланилишида муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф ишни тугатиш асосларини жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган асосларга бўлинишини тўғри деб ҳисобламайди. Унинг фикрича, жиноят ишини тугатиш институтини реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларга ажратиш илмий ва амалий жиҳатдан бошқа таснифларга нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишни тугатиш асосларининг бундай таснифланиши ишни юритаётган мансабдор шахс учун ҳам, жиноят процессининг ҳар бир иштирокчиси учун ҳам талайгина қулайликлар яратади. Жумладан, ишни тугатиш асосларининг қўлланиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни фарқлашни енгиллаштиради; ишни тугатиш асосларининг моҳиятини тушуниб етишда, уларни тўғри танлаб, қўллашда йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган хатоликлар камайишига хизмат қилади; энг муҳими эса, айбсизлигини исботлаш истагида бўлган ҳар бир шахсга қулай шароитлар яратади.

Диссертацияда ЖПКнинг 84-моддаси «Айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар» деб номланганлиги назарий жиҳатдан ҳам, суриштирув, тергов ва суд амалиётида ҳам турлича тушунилишига сабаб бўлаётганлиги, бу эса ушбу моддада белгиланган асосларнинг талаб даражасида қўлланилиши йўлида тўсқинлик келтириб чиқараётганлиги қайд этилиб, мазкур моддани «Жиноят ишини реабилитация қилинмайдиган асослар билан тугатиш» деб номлаш таклиф этилади. Диссертантнинг фикрича, мазкур таклиф илгари сурилишига ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган асослар қўлланилиши оқибатида жавобгарликдан озод бўлган шахсларнинг оқланмаслиги, бу эса уларнинг ҳуқуқлари тикланмаслиги билан реабилитация учун назарда тутилган асослардан кескин фарқ қилиши сабаб бўлган.

Тадқиқот давомида ЖПК 84-моддасида қайд этилган асосларни жиноят иши тугатилиши лозим бўлган ҳамда шахснинг розилиги билан тугатилиши мумкин бўлган асосларга қайтадан таснифлаш лозим деган хулосага келинган. Чунки, жиноят-процессуал қонунда жиноят ишини тугатиш лозим бўлган асос сифатида таснифланган амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш учун мазкур қарорни қўллаш тўғрисида ариза берилиши мажбурий ҳисобланади ва жиноят иши бевосита айбланувчининг розилиги асосида тугатилади. Шунингдек жиноят ишини «иш фақат жабрланувчининг

шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса», «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги тўғрисида ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса» ҳамда «тарофларнинг ярашганлиги муносабати билан» деган асосларга биноан тугатиш учун шахснинг розилиги талаб этилади. Бу эса, ЖПК 84-моддасида белгиланган таснифга тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этади.

Муаллифнинг фикрича, айбланувчининг айби иш бўйича тўпланган далиллар асосида тўлиқ исботланмагунга қадар унинг айбсиз эканлиги эътироф этилиши айбсизлик презумпциясининг асосий талабидир. Айбсизлик презумпциясининг бу талаби жиноят содир этган ҳар бир шахснинг тегишли суд процессига жалб этилишини эмас, аксинча, айби бўлмаган ҳеч бир шахс асоссиз айбланмаслиги ва жавобгарликка тортилмаслиги таъминланишини кўрсатади. Шу билан бирга, ЖПКнинг 84-моддасида кўрсатилган асослар бўйича жиноят ишини тугатишда, ишга жалб қилинган шахснинг розилигини олиш талабининг мавжудлиги жиноят ишини тугатишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши, унга нисбатан қўзғатилган ишнинг қонунга ҳилоф равишда тугатилмаслиги кафолати бўлиб ҳисобланиши билан бирга, айна бир вақтда, жиноят ишини тугатиш институтининг айбсизлик презумпцияси принципига мутаносиблигини кўрсатади.

Шунингдек, диссертация муаллифи жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг 2-моддасида қайд этиб ўтилган «айбдорларни фош этиш» ва «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш» каби вазифалари ўз мазмун-моҳияти билан жиноят ишини тугатиш институти инкор этилишини асослаб беради. Зотан жиноят иши тугатилиши натижасида жавобгарликдан озод бўлган шахсга нисбатан суд томонидан жазо берилмайди. Қолаверса, жавобгарликдан озод бўлган шахс суднинг ҳукми билан айбдор, деб топилмайди. Жиноят-процессуал қонун нормалари ўртасидаги мазкур коллизияни бартараф этиш учун ЖПК 2-моддасининг биринчи қисми «ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши» деган сўзлардан кейин *«қонунда белгиланган асослар бўлган тақдирда жавобгарлик ва жазодан озод қилиниши»* деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят-процессуал муносабатларда бугунги кунга қадар тўлиқ ечимини топмаган айрим назарий ва амалий тўсиқларнинг мавжудлиги қатор муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 14-моддаси бешинчи қисмида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатасининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум

қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади», дея қайд этилган. Бу каби ҳолатни 2000 йил 14 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги, 2001 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги, 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги қонун нормаларида ҳам кўриш мумкин.

Маълум бўладики, депутатлар, сенаторлар, судьялар, судьялар олий кенгаши аъзолари, прокурорлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли орган ёки мансабдор шахснинг рухсати (розилиги) бўлиши лозим. Лекин дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсни ишга гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилишга қонунда белгиланган тартибда рухсат берилмаса, ишнинг кейинги босқичи, умуман олганда кейинги тақдири қандай кечади? Бундай ҳолат амалдаги жиноят-процессуал қонун нормалари билан тартибга солилмаганлиги туфайли, ушбу иш юзасидан бирор тўхтамга келиб бўлмайди, яъни ишни тўхтатишнинг ҳам, давом эттириш ёки тугатишнинг ҳам имконияти йўқ.

Тадқиқотчи қонун нормалари ўртасида юзага келган номувофиқликни бартараф этиш учун ЖПК 84-моддасининг биринчи қисмига *«Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли орган ёки мансабдор шахснинг розилиги талаб этилган ишлар юзасидан, бундай розиликнинг йўқлиги»* номли ишни тугатишнинг янги асосини киритишни таклиф этади.

Диссертантнинг фикрича, ЖПКнинг 83-моддаси билан 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар айтини бир пайтда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари бўлиб хизмат қилса-да, ушбу ҳолат мазкур нормаларнинг мазмунида ўз ифодасини топмаган. Жумладан, ЖПК 83-моддасининг биринчи хатбошиси «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим» ёхуд 1-банди «иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса» дея қайд этилганлиги қонун ижодкорлари мазкур ҳолатларда фақат жиноят иши қўзғатилганидан кейинги жараённи, яъни суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичларини назарда тутганлигини англайди.

Маълумки, ЖПК 84-моддаси «Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар» деб номланган бўлиб,

жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш масалалари қамраб олинмаганлигини, модданинг биринчи қисмида қайд этиб ўтилган айрим асослар билан эса жиноят ишини қўзғатишни рад этиш мумкин эмаслигини кўриш мумкин. Қолаверса, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида шахснинг диспозитив ҳуқуқлари янада кенгайтирилганлигини ва сўнгги йилларда рад қилинган ишлар сони кўпайиб бораётганлигини ҳамда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асосларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини инобатга олиб, диссертация муаллифи жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга хизмат қилувчи асослар тизимини ишлаб чиқиб, уларни ЖПКнинг 333-моддасида қайд этиш таклифини илгари суради.

Муаллиф биринчи боб якунида ўрганилаётган институт билан боғлиқ бўлган амалдаги жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари билан мутаносиблиги тўлиқ таъминланмаганлиги жиноят ишини тугатиш асосларини самарали қўлланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий омиллардан бири деган хулоса чиқаради ҳамда бу каби ҳолатларнинг қайси жабҳаларда намоён бўлаётгани-ю ва қандай салбий оқибатлар келтириб чиқараётганига атрофлича тўхталиб, уларни бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Жиноят ишини тугатиш институтини қўллаш асослари ва процессуал тартиби»** деб номланиб, унда муаллиф реабилитация қилиш асосларининг мазмуни ва ҳуқуқий оқибатлари, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асослари ва шартларини ҳамда уларни қўллашнинг процессуал тартибини атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Муаллиф суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари ходимлари ўз фаолияти давомида жиноят ишини тугатиш ҳамда реабилитация қилиш асосларини бир-биридан фарқлаб, ажратиб олишда ва қўллашда турли хатоликларга йўл қўяётганлигини, қолаверса ушбу масалада жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида ҳамон тортишувлар давом этаётганлигини ҳисобга олиб, ўз эътиборини уларнинг ечимини топишга қаратади. Диссертантнинг фикрича, бу ҳолатни қонун нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида реабилитация қилиш асослари моҳиятининг турлича талқин қилиниши, шунингдек ушбу мавзуга доир мақолалар ва илмий ишларнинг кам нашр этилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Натижада тергов амалиётида деярли бир хил эпизодли жиноят ишларини ҳар хил асослар билан тугатиш ҳоллари учраётганлиги диссертант томонидан асосли равишда танқид қилинди.

Тадқиқотда жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида «реабилитация»нинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича билдирилган фикрлар амалдаги ЖПК нормалари талаблари асосида чуқур таҳлил қилиниб, «реабилитация» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

ЖПКнинг 373-моддасида жиноят иши ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина тугатилиши

мумкинлиги кайд этилган бўлса-да, тергов амалиётида шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган ҳоллар аниқланган вақтда жиноят ишини тугатиш учун ЖПК 367-моддасининг учинчи қисми асос қилиб олинмоқда. Тергов фаолиятига тааллуқли ҳисоботларда ҳам ЖПК 367-моддасининг учинчи қисми билан жиноят ишлари тугатилганлиги ишни тугатишнинг алоҳида асоси сифатида кўрсатилмоқда. Бундай қараганда амалиётчиларнинг ушбу фаолияти ЖПК нормаларига зиддир. Лекин шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги билан боғлиқ мазкур асоснинг асл моҳиятига эътибор қаратсак, ушбу асос икки мустақил асосдан, яъни «жиноят ишига айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги» ҳамда «айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги»дан иборат эканлигини кўриш мумкин. Мазкур омилни инобатга олиб, тадқиқотчи ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1-бандини янги таҳрирда баён этиш таклифини ишлаб чиқишни лозим топган.

Диссертантнинг фикрича, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли жиноят иши содир этилган жиноий қилмишнинг фақат оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда тугатилишини асосли, деб бўлмайди. Зеро ушбу ҳолатда мазкур жиноятни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига эътибор қаратилмай қолади. Бу эса, хавфли ёки ўта хавфли рецидивистлар томонидан содир этилган жиноятларга оид ишлар асоссиз тугатилишига сабаб бўлиши ҳамда ЖПКнинг асосий вазибалари бажарилишига монелиқ қилиши мумкин. Мазкур омиллар ЖКнинг 64-моддасини қўллашда жиноятни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек вояга етмаган шахсларнинг шаклланиш ва камол топиш жараёнида тўхталиш бўлмаслиги, тарбиялаш давомида норасида инсон табиатини ижобий томонга ўзгартириш эҳтимоли кўплигини, уларнинг ижтимоий хавфлилиги қисқа вақт давом этиб, нисбатан тез ўзгаришини ҳамда ривожланган давлатларнинг қонунчилигидаги илғор тажрибасини эътиборга олиб, жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашда вояга етмаган шахсларга имтиёзлар бериш, яъни жавобгарликка тортиш муддатларини қисқартириш зарурлиги асослантириб берилган.

Амнистияга доир сўнгги йилларда қабул қилинаётган қарорларда ушбу Қарорнинг амал қилиши - афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмасин деган мазмундаги талаб белгиланаётганлиги сабабли жавобгарликка тортиш муддати ўтган шахс томонидан қасддан жиноят содир этилган ҳолатларда мазкур шахснинг муқаддам амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан озод қилинганлиги важ қилиниб, суд ва тергов амалиётида унга нисбатан жиноят иши тугатилмаяпти. Мазкур ҳолат, ЖК 77-моддасининг «судланганлик

муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади» деган нормасига зиддир. Тадқиқотчининг фикрича, шахс муқаддам амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган-этилмаганлигидан қатъи назар, агар амнистия акти қўлланилган пайтдан эътиборан амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган жиноят учун қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатларига тенг вақт ўтган бўлса, амнистия тўғрисидаги қарор асосида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш масаласи кўриб чиқилиши зарур.

Шунингдек диссертацияда муаллиф томонидан амнистия ҳақидаги қарорларда етказилган мулкӣ зарарни қоплаш билан боғлиқ жиноят турларининг доирасини босқичма-босқич кенгайтириш зарурлиги асослантириб берилган.

ЖПК 84-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, жиноят иши тугатилаётганда, агар айбланувчи талаб қилса, ишни умумий тартибда давом эттириш мумкинлиги фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишининг яна бир кўринишидир. Муаллиф, ушбу норманинг мавжудлиги ҳар бир шахсга жиноят иши юзасидан ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш учун шароит яратади, деган қатъий хулоса чиқаради.

ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида қайд этилган ишни тугатиш асоси «айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса», деб аниқ ифодаланган бўлишига қарамай, тергов амалиётида ишга гумон қилинувчи сифатида жалб этилган шахсларга нисбатан ҳам мазкур асос билан ишни тугатиш ҳолатлари учраётганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Муаллифнинг фикрича, мазкур модда биринчи қисмининг 3-бандини «*гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса*», деган таҳрирда бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан бошқа давлат ҳудудида содир этилган айнан шу жинояти юзасидан (масалан, одам савдоси ёки террорчилик ва бошқалар) хорижий давлат суди томонидан чиқарган ҳукм бўлса, Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлат билан келишуви ёки бошқа хил шартномаси бўлиши-бўлмаслигидан қатъи назар, мазкур жиноят бўйича юритувдаги ишни ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 4-банди, яъни «шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса» деган асос билан тугатиш мумкинлиги асослантириб берилган.

Шу билан бирга, диссертациянинг иккинчи боби якунида жиноят-процессуал муносабатларда шахсни реабилитация қилиш процессуал тартиби, шартлари ҳамда айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асослари самарали қўлланилишига тўсқинлик

қилувчи омиллар чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Жиноят ишини тугатишда шахснинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтириш истиқболлари**» деб номланган учинчи бобида асосий эътибор жиноят-процессуал муносабатларда хусусий айблов институтини қўллаш шартлари ҳамда қилмишнинг ёки шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолганлиги, шахснинг айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ва томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш асослари ва процессуал тартибларига доир масалалар чуқур тадқиқ этилган.

Жиноят процессида шахснинг диспозитив ҳуқуқларини кенгайтиришга йўналтирилган ислохотларни изчиллик билан давом эттириб, бу йўлда шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари билан боғлиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан ишни қўзғатишда унинг розилигини олиш ҳолларининг кўпайиб бориш тамойили янада кенгайтириш лозим. Тадқиқотчининг фикрича, ушбу таклифнинг амалдаги қонунларда ўз аксини топиши қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

- жиноят-процессуал муносабатларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланади;

- суд-тергов органларининг иш ҳажми кескин камаяди, натижада уларнинг асосий эътибори унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга қаратилиб, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошади;

- мамлакатимизда жиноятчиликнинг суръати пасайиш сари юз тутиб, судланган шахслар сони камаяди;

- энг муҳими, ҳар бир шахсда ўзининг ҳуқуқий давлат фуқароси эканлигига ишонч туйғуси шаклланади ва мустаҳкамланади. Қолаверса, бу ўзгаришлар, ўз навбатида, юртимизда амалдаги жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал муносабатларни, шунингдек бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларимизни либераллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб қолади.

Терговга қадар текширув амалиётида жабрланувчи дастлаб шикоят билан мурожаат этиб, берган шикоятдан кейинчалик, жиноят иши қўзғатилгунга қадар воз кечиб, жиноят ишини қўзғатмасликни илтимос қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ишни юритаётган мансабдор шахснинг бу вазиятда қандай йўл тутиши амалдаги қонун ҳужжатларида тартибда солинмаган. Муаллифнинг фикрича, хусусий айбловнинг муҳим талабларидан бири, шак-шубҳасиз, жабрланувчининг ҳуқуқини таъминлаш борасида диспозитивликни изчил ўрнатиб, жиноят-процессуал муносабатларни бевосита жабрланувчининг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда юритишни йўлга қўйишдир. Шундай экан терговга қадар текширув амалиётида жабрланувчи дастлаб шикоят билан мурожаат этиб, ўзи берган шикоятдан кейинчалик, жиноят иши қўзғатилгунга қадар воз кечиши, ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида жиноят ишини қўзғатиш рад

этилишига олиб келиши лозим.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи – томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган бўлиб, унда суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичида жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш асосини қўлланилиш ҳолати чуқур таҳлил қилиниб, мазкур институтни янада такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Ярашув институтининг қўлланиши борасида ўтказилган таҳлил, унинг тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, 2002 йилдан 2017 йилгача бўлган давр таҳлили ушбу институтнинг қўлланилиши 6,3 баробар ошганлигини кўрсатди. Демак, ишни ярашув билан тугатиш ҳоллари кўпайиб бораётгани жамиятимизда жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги низоли муносабатлар тарафларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижобий томонга ўзгараётганидан далолат бермоқда.

Жиноят-процессуал муносабатларда томонларнинг ярашувига доир қатор тадқиқотлар олиб борилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф ўз эътиборини ярашув институтини қўллаш давомида исботланиши талаб этиладиган ҳолатлар, вужудга келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишга қаратган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш учун ЖКнинг 66¹-моддасида қайд этилган ҳолатлар (содир этилган жиноятнинг ЖК 66¹-моддасида назарда тутилган бўлиши; шахснинг жабрланувчига етказилган зарарни бартараф этиши; жиноятни содир этган шахс билан жабрланувчининг ярашиши; жиноятни содир этган шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши) билан бир қаторда жиноят ҳақиқатан ҳам ишга жалб этилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан содир этилганлиги исботланган бўлиши лозим.

Диссертантнинг нуқтаи назарига кўра, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш учун жиноятни содир этган шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши унинг жиноятнинг очилишига фаол ёрдам беришида намоён бўлади. Дарҳақиқат, шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши ва содир этган жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши ЖПК вазифалари бажарилишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур омилдан келиб чиқиб, диссертация муаллифи жиноятни очишга фаол ёрдам бериш тушунчаси ўзининг мазмун-моҳияти билан нималарни қамраб олиши лозимлигини таҳлил қилиб, унга қуйидаги таърифни ишлаб чиқади: *«Жиноятни очишга фаол ёрдам бериш – бу суд-тергов органлари хабар топган ёки хабар топмаган ҳолатлар юзасидан ишонарли маълумотларни тақдим этиш, янги гувоҳларни топши, жиноятнинг қолган иштирокчиларини фош этиш, талон-тороғ қилинган буюмларнинг ҳамда қидирувдаги шахсларнинг турар жойлари хусусида аниқлик киритиш, шунингдек жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабабларни аниқлашга қаратилган фаолиятдир».*

Тадқиқотчининг назарида, ярашув институтининг Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ўз ифодасини топмаганлиги тушунарсиз ҳолдир. Зеро, ижтимоий хавфлилиги юқори ҳисобланган жиноий қилмиш бўйича жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тарафларни яраштириш мумкин бўлгани ҳолда, жиноий қилмишга нисбатан ижтимоий хавфлилиги кам бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ярашув институти қўлланмаслиги амалиёт ходимлари қатори, фуқароларнинг ҳам эътирозларига сабаб бўлмоқда. Диссертантнинг фикрича, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шахснинг диспозитив ҳуқуқларини акс эттирувчи ярашув институтини жорий этиш ва хусусий айбловга доир нормани (МЖТК 61-моддасининг учинчи қисми) янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот ишининг **«Жиноят ишини тугатишнинг процессуал механизмини такомиллаштириш йўллари»** деб номланган тўртинчи бобида асосий эътибор жиноят ишини тугатишда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш институтини янада такомиллаштириш йўллари белгилаш масалаларини тадқиқ этишга қаратилган.

Муаллиф жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини самарали ҳал этиш учун энг аввало жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган махсус процессуал кафолатлар тизимини такомиллаштириш лозимлигини таъкидлайди.

Жиноят ишини ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1,2,3 ва 8-бандларида қайд этилган асослар билан тугатишда айбланувчи, судланувчи ёки айрим ҳолатларда уларнинг яқин қариндошлари иш юритувининг умумий тартибда давом эттирилишини талаб қилиши мумкинлиги қайд этилган бўлса-да, ушбу норма амалиётда деярли қўлланилмай келмоқда. Диссертация муаллифининг фикрича, қонунда акс эттирилган ушбу норманинг амалиётда кам қўлланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда: жиноят ишини ЖПКда санаб ўтилган асослар билан тугатиш жараёнида тегишли ваколатларга эга бўлган органларнинг иш юритилишини умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уларнинг ушбу ҳуқуқларини тушунтириши хусусидаги талаб ЖПК 84, 374 ёки 375-моддаларининг тегишли қисмларида тўғридан-тўғри қайд этилмаганлиги; ишнинг умумий тартибда давом эттиришни талаб қилиш қандай шаклга эга бўлиши қонунда белгилаб қўйилмаганлиги; шунингдек жиноят ишига айбланувчи ёки судланувчи сифатида жалб қилинган шахсларда ишни умумий тартибда давом эттириш истагининг йўқлиги. Муаллифнинг назарида, бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин: *биринчидан*, уларнинг жиноят ишини тугатишнинг ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида кўрсатилган асосларнинг моҳияти билан уларни қўлланиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ўртасидаги фарқни ажрата олмасликлари; *иккинчидан*, тергов давомида ўзларига нисбатан билдирилган

салбий муносабатлардан тезроқ қутулиш истаги; *учинчидан*, ишга жалб қилинган баъзи бир шахсларнинг юзага келган имкониятдан фойдаланиб, содир этган бошқа жиноятларини яшириш мақсади бўлганлиги.

Муаллифнинг фикрича, амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноят ишини айрим асослар бўйича тугатишда шахснинг ишни умумий тартибда давом эттириш талаби мавжуд бўлса-да, мазкур норма шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш учун етарли ҳисобланмайди. Аксарият ҳолларда айбланувчи айбини тан олмаган бўлса-да, жиноят иши келгусида суд томонидан қандай ҳал этилишини билмасдан, кўрқув натижасида ёки бошқа бирон сабаб билан ишнинг ЖПК 84-моддасида қайд этилган тегишли асос билан тугатилишига розилик беради. Мазкур омилдан келиб чиқиб, тадқиқотчи ишнинг тугатилишига рози бўлмаган ёки ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилган айбланувчиларга нисбатан келгусида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш мобайнида қамок ёки уй қамоғи каби эҳтиёт чораларини қўллаш мумкин эмаслигини ЖПКнинг 238-моддасида қайд этиш лозим деб ҳисоблайди (ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно).

Жиноят ишини ЖПК 84-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган асослар билан тугатиш учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчининг розилиги талаб этилади. Лекин ушбу розилик қандай шаклда бўлиши ва унда акс эттирилиши зарур бўлган маълумотларда нималар ифодаланиши лозимлиги масаласи амалдаги жиноят-процессуал қонун нормалари билан тартибга солилмаган. Натижада ишни тугатиш учун берилган розиликлар жиноят ишларида турли шаклларда (сўроқ қилиш жараёнида берилган кўрсатмалар, розилик хати, ишнинг тугатилишига розилик берганлигини тасдиқлаш учун тузилган баённомалар) ифодаланмоқда. Масаланинг эътиборли томони шундаки, санаб ўтилган ҳужжатларнинг аксарияти ишнинг тугатилишга розилик берган шахс ўз ҳуқуқлари билан таништирилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, диссертантнинг фикрича, шахс ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган шахснинг айбсизлиги тергов жараёнида аниқланган ҳоллар муносабати билан (ЖПКнинг 83-моддаси билан тугатилган ишлар бўйича) жиноят ишини тугатиш қарорини чиқаришда терговчи ушбу ҳолатларни асослаш билан чекланиб қолмасдан, айбсиз деб топилган шахснинг бузилган ҳуқуқларини, унинг яхши номини, яъни шаънини тиклаш учун барча чораларни кўриши зарур. Суд-тергов органлари айбсиз деб топилган шахсга ундан олиб қўйилган барча қимматбаҳо буюм ва мулкларни дарҳол қайтариб беришлари, борди-ю мазкур шахсга нисбатан процессуал чора сифатида уни лавозимидан четлаштириш эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, уни лавозимига тиклаш ҳамда етказилган маънавий ва моддий зарарни қоплаш учун ўз ваколати доирасида барча чораларни кўриши шарт.

Жиноят ишини тугатишнинг тўлиқсизлиги ва бир томонламалиги кўпроқ жиноят ҳодисаларининг юзаки ёки бир ёқлама ўрганилиши ҳамда амалиёт ходимларининг жиноят ишини тугатиш асослари тўғрисида етарли билимга эга эмасликлари натижасида рўй бермоқда. Муаллифнинг фикрича, буларга: шахснинг айблилиги масаласи чуқур ўрганилмаганлиги ёки масалага бир томонлама ёндашилганлиги; жиноят содир этган шахсни тавсифловчи хусусиятлар етарли даражада ўрганилмаганлиги; жиноят иши реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича тугатилган тақдирда жабрланувчига етказилган зарар миқдори ва хусусияти тўлиқ аниқланмаганлиги; жиноят сабаблари ва унинг содир қилинишига имкон берган шарт-шароитлар чуқур таҳлил қилиниб, улар юзасидан тегишли профилактика чоралари кўрилмаганлигини киритиш мумкин.

Диссертантнинг назарида, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этган шахсларга ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод бўлиш имконини берадиган алоҳида норманинг мавжуд эмаслигини тушуниш қийин. Зеро, тараққий этган хорижий мамлакатлар қонунчилигининг таҳлили, ҳар қандай жиноят содир этган шахсга у ўз айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлиши учун ҳамда жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериб, келтирилган зарарни бартараф қилиши учун шароит яратиб бериш йўли билан қонун асосида рағбатлантирилишини белгилашни тақозо этади.

Мазкур омилдан келиб чиқиб, диссертация муаллифи жиноят-процессуал муносабатларда «Тарафларнинг келишув битими» деб номланган янги институтни жорий этиш зарур, деган хулосага келади. Мазкур институт жиноят процессининг барча иштирокчилари манфаатларига хизмат қилади, шу жумладан: оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилиши натижасида етказилган мулкӣ, моддий ва маънавий зарар тез ва тўлиқ қопланади; тарафларнинг келишув битимини тузиши учун гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан жабрланувчининг розилигини олиш мажбурий шарт сифатида белгиланиши, ўз навбатида, жабрланувчи билан айбланувчи (гумон қилинувчи) ўртасида юзага келган низоли вазиятни бартараф этишга хизмат қилади; содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни суд-тергов органлари томонидан кўп куч ва вақт сарф этмаган тарзда тез ва тўлиқ фош этиш имконияти юзага келади; уюшган гуруҳ ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш ва уларнинг ҳар бир аъзоси содир этган жиноятни фош этиш имконини беради; жиноий йўл билан топилган мулкнинг қаерда эканлигини аниқлаш ҳамда уни қонуний эгаларига қайтариш учун шарт-шароитлар яратилади; тарафларнинг келишуви асосида алоҳида тартибда иш юритишнинг йўлга қўйилиши суд-тергов органлари билан бир қаторда, ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа шахсларга ҳам қатор қулайликлар беради.

Энг муҳими, келишув институтида белгиланадиган шартлар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг тергов органлари билан ҳамкорлик қилишини ҳамда ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймон бўлишини талаб этади. Бу эса, мазкур шахсларга нисбатан улар тўғри хулоса чиқариши учун тарбиявий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтиради.

ХУЛОСА

Жиноят-процессуал муносабатларда жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштиришнинг комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

1. «Жиноят ишини тугатиш» тушунчаси билан боғлиқ юридик манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали, муаллиф томонидан мазкур тушунчани қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилади: *«Жиноят ишини тугатиш бу ваколатли мансабдор шахснинг иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш орқали қонунда назарда тутилган муайян асосни қўллаш учун барча ҳолатлар ўз исботини топганига ишонч ҳосил қилиб, жиноят иши юритувини тугатиш хусусида қатъий хулосага келиши ва ишни процессуал қарор ёки ажрим чиқариш орқали тамомлашидир».*

2. Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида «реабилитация» тушунчасига берилган таърифлар билан амалдаги ЖПК нормаларини чуқур таҳлил қилиш, қуйидаги янги таърифни ишлаб чиқиш имконини берди: *«Реабилитация гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни қонунда белгиланган тартибда суднинг оқлов ҳукми билан айбсиз деб эълон қилиш ёхуд уларга нисбатан ЖПКнинг 83-моддасига биноан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш йўли билан қонунга хилоф равишда тергов ҳаракатларига жалб этиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жавобгарликка тортиш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида етказилган барча турдаги зарарни давлат ҳисобидан ундириш ҳамда шахснинг аввалги мавқеини тўлиқ қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир».*

3. Жиноят ишини тугатиш асосларининг таснифи бўйича жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида мавжуд қарашлар чуқур таҳлил қилиниб, уларни реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларга ажратиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши асослантириб берилди. Зеро, мазкур тасниф асосларни тўғри танлашга ҳамда жиноят ишини тугатиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни фарқлашга хизмат қилиб, айбсиз шахсларнинг асоссиз жавобгарликка тортилмаслиги учун зарур шароит яратади.

4. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда жиноят ишини ЖПКнинг айнан 83-моддаси 1-бандида қайд этилган

«иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса» деган асос билан тугатиш лозимлиги илмий-назарий жиҳатдан асослантириб берилди.

5. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган бошқа ҳолатлардан фарқли равишда кам аҳамиятли қилмишда жиноятнинг ҳуқуққа хилоф ва айбли аломатлари сақланиб қолади. Бу эса, «кам аҳамиятли қилмиш» содир этган шахсни оқлаш ва унинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш мантиқан тўғри эмаслигини кўрсатади. Мазкур омиллар асосида «кам аҳамиятли қилмиш»га қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида эмас, балки жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида қайд этилишига доир масалалар чуқур ўрганилиши ва бу йўналишда илмий тадқиқотлар давом эттирилишини зарур деб ҳисоблаймиз.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси ҳамда ЖПК 23-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, шахснинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланиб, қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунига қадар айбсиз ҳисобланади. Бу эса айбсизлик презумпцияси принципининг асосий талаби – жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган ва ЖПКнинг 84-моддасида назарда тутилган асослардан бири билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши ҳар бир шахснинг фақат суднинг ҳукми билан жазодан озод этилиши лозимлигини эмас, аксинча, айби бўлмаган ҳеч бир шахс асоссиз равишда жавобгарликка тортилмаслиги таъминланишини кўрсатади. Буларнинг барчаси жиноят ишини тугатиш ва жавобгарликдан озод қилиш институтларини айбсизлик презумпцияси принципига мутаносиб эканлигидан далолат беради.

7. Тадқиқот давомида жиноят ишини тугатиш ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларининг мазмуни ЖКнинг 10-моддасида қайд этилган «Жавобгарликнинг муқаррарлиги» принципи талабларига зид эканлиги аниқланиб, қонун нормалари ўртасидаги мавжуд мазкур коллизион ҳолатни бартараф этиш бўйича асослантирилган ҳулосалар ишлаб чиқилди.

8. Реабилитация қилишнинг ЖПКнинг 83-моддасида қайд этилган «иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги», «унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса» ва «унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса» деган асослари мазмун-моҳияти ҳамда уларнинг қўллашда мавжуд фарқлари батафсил ёритиб берилди.

9. Амалдаги ЖПКда жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш жиноят ишини амнистия тартибида тугатишнинг мажбурий шарти сифатида қайд этилмаган. Бу эса, ёрдам сўраб ўрнатилган тартибда мурожаат этган, лекин амнистия акти асосида жиноят иши тугатилиши натижасида қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланмаган жабрланувчиларда ички ишлар, прокуратура ва суд органларининг фаолиятига нисбатан ишончсизлик ҳисси вужудга келишига

олиб келмоқда. Шу сабаб амнистия ҳақидаги қарорларда етказилган мулкый зарарни қоплаш талаб этилган жиноят турларининг доирасини босқичма-босқич кенгайтириш зарурлиги ёритиб берилди.

10. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан бошқа давлат ҳудудида содир этилган жиноят юзасидан хорижий давлат суди томонидан чиқарган ҳукм бўлса, Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлат билан келишуви ёки бошқа хил шартномаси бўлиши-бўлмаслигидан қатъи назар, юритувдаги жиноят ишини ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 4-банди билан тугатиш лозимлиги асослантирилди.

11. Тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишда етказилган зарарни бартараф этиш шакли ва миқдори фақат жабрланувчининг хоҳиши асосида белгиланиши лозимлиги асослантирилиб, зарарни қоплашнинг жиноят-процессуал жиҳатлари чуқур таҳлил этилди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги Фармони⁴ талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда шахснинг диспозитив ҳуқуқларини акс эттириш, хусусан ярашув институтини жорий этиш ва хусусий айбловга доир нормаларни босқичма-босқич кенгайтириб бориш зарурлиги асослантириб берилди.

13. ЖК 66¹-моддасида назарда тутилган айрим жиноятлар (ЖКнинг 180, 181, 185², 191, 192, 256, 257, 258, 259-м. ва бошқа моддалари) бўйича жабрланган тараф бевосита юридик шахс ҳисобланган ҳолатлар юзасидан ярашув институтини қўллашга доир айрим масалаларнинг процессуал тартиби жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тўлиқ тартибга солинмаганлиги ва бунинг натижасида суд-тергов амалиётида мазкур жиноят таркиблари бўйича ярашув институти қўлланилмай келинаётганлиги аниқланиб, уларни самарали қўлланилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

14. Жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтириш мақсадида, унинг шаъни ва кадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ тегишли жиноятлар юзасидан ишни қўзғатишда шахснинг розилигини олиш амалиётини кенгайтириб бориш, шу билан бирга шахснинг розилиги бўлмаган ҳолларда жиноят ишини тугатиш ва хусусий айблов институтини қўллашнинг процессуал тартибини янада такомиллаштириш зарур деган хулосага келинди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги Фармони талабларидан келиб чиқиб тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашшга йўл қўймаслик ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида давлат улуши бўлмаган юридик шахснинг мол-

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

мулкини уларнинг ходими томонидан фирибгарлик (ЖК 168-м.) ёки ўғирлик (ЖК 169-м.) йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари бўйича жиноят ишини кўзғатишни мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризаси асосида амалга ошириш лозимлиги амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларида акс эттириш зарурлиги асослантириб берилди.

16. ЖКнинг 57¹-моддасида назарда тутилган асосларни самарали қўлланилишини таъминлаш мақсадида жиноят-процессуал муносабатларда «Тарафларнинг келишув битими» деб номланган янги институтни жорий этиш зарурлиги асослантирилди.

17. Жиноят ишини тугатиш асослари доирасининг кенглигини ҳамда ҳар бир асосни қўллаш процессуал тартибининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини инобатга олиб, қуйидаги йўналишларда докторлик диссертацияси даражасида тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- реабилитация этиш асослари ва уларни қўллаш процессуал тартиби: назария ва амалиёт;

- жиноят-процессуал муносабатларда амнистия қарорининг қўллаш процессуал тартибини такомиллаштириш истиқболлари;

- жиноят-процессуал муносабатларда юридик шахсни жабрланувчи сифатида эътироф этишнинг ташкилий ва процессуал жиҳатлари;

- жиноят процессида диспозитив нормаларни кенгайтириш истиқболлари;

- тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга доир жиноят-процессуал қонун нормаларини янада либераллаштириш.

17. Жиноят ишига гумон қилинувчи сифатида жалб этилган шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлиги аниқланган, лекин унинг қилмишида жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлмаса, унга нисбатан ЖПК 83-моддасининг 2-банди, яъни «унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса» асоси билан жиноят ишини тугатиш лозим. Чунки, ЖПК 83-моддасининг 3-бандида назарда тутилган «унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса» асосини қўллаш учун шахснинг содир этилган жиноятга умуман алоқаси бўлмаслиги, яъни шахснинг қилмишида жиноятнинг нафақат субъектив белгилари, балки объектив белгилари ҳам бўлмаслиги талаб этилади. Бу эса «унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса» асоси билан жиноят ишини тўлиқ эмас, балки фақат бир қисмини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинишига ва жиноят содир этган шахсни фош этиш чораларини кўришни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

18. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорининг қўлланиш тартиби тўғрисидаги низомда тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлса-да, амалиёт ходимлари томонидан муқаддам амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниб, яна қасддан жиноят содир этган

шахсларга нисбатан янги қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорни татбиқ этиш ёки этмаслик масаласини ҳал этишда жавобгарликка тортиш ёки судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёхуд судланганликни олиб ташланганлигига умуман эътибор қаратилмаётир. Ваҳоланки, ЖК 77-моддасининг тўртинчи қисмида судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши белгиланган. Шу нуқтаи назардан келгусида амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланиш тартиби ҳақидаги низомни қабул қилишда муқаддам амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниб, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан янги қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорни татбиқ этиш ёки этмаслик масаласини ҳал этишда жавобгарликка тортиш ёки судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёхуд судланганликни олиб ташланганлигига эътибор қаратиш талаб этилади.

19. Суд мажлисларида амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш масаласи кўрилатган «жиноят содир этган шахс»нинг, «гумон қилинувчи» ёки «айбланувчи»нинг иштирокини мажбурий қилиб белгилаш талаб этилади. Чунки, мазкур талаб шахсларнинг содир этган жиноий қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлишига ва келгусида такрор янги жиноятларни содир этмаслигига, шунингдек ЖПК 84-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда жиноят ишини юритиш умумий тартибда давом эттирилишини талаб қилиб, ўзининг айбсизлигини исботлашга ҳамда иш бўйича адолат қарор топтирилишига хизмат қилади.

20. Жиноят-процессуал муносабатларда диспозитив нормаларнинг қўлланилиш доирасини кенгайтириш мақсадида ЖПК 325-моддаси талабларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш юзасидан Кўрсатма лойиҳаси тайёрланиб, ИИВ хузуридаги Тергов департаментига юборилди.

21. ЖПКнинг 325-моддасини қўллаш жараёнида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов амалиётида юзага келаётган камчилик ва хатоларни бартараф этиш мақсадида процессуал ҳужжатлар таснифи ва мазкур ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга жорий этиш чоралари кўрилди.

22. Жиноят ишини тугатиш институтини қўллаш самарадорлигини ошириш, жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди:

а) ЖПК 2-моддасининг биринчи қисми «ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши» деган сўзлардан кейин «қонунда белгиланган асослар бўлган тақдирда жавобгарлик ва жазодан озод қилиниши» деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

б) ЖПК 48-моддасининг биринчи қисми «тергов ҳаракатларида иштирок этиш» деган сўзлардан кейин *«жиноят иши суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириши ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиши»* деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

в) ЖПК 55-моддасининг биринчи қисми «маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлардан кейин *«ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган тартибда иш фақат жабрланувчининг шикоят билан қўзғатиладиган ҳолларда шикоят бериши ҳамда берган шикоятини жиноят иши қўзғатилгунга қадар қайтариб олиши»* деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

г) ЖПКнинг 84-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«84-модда. Жиноят ишини реабилитация қилинмайдиган асослар билан тугатиши

Қуйидаги ҳолларда жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

1) *ишда айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиши муддати ўтиб кетган бўлса;*

2) *айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс қонунда белгиланган муддатда аниқланмаган бўлса;*

3) *гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;*

4) *шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;*

5) *шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;*

6) *шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;*

7) *шахсни жиноий жавобгарликка тортиши учун тегишли орган ёки ваколатли мансабдор шахснинг розилиги талаб этиладиган ишлар бўйича ушбу розиликнинг йўқлиги.*

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёхуд агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг қонуний вакиллари ва ҳимоячилари талаб қиладиган бўлса ишни юритиши умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиши учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган шахс тўғрисидаги жиноят иши ушбу Кодекснинг

61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан тугатилиши мумкин, башарти:

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд *шароит* ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса;

4) эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарор жиноят содир этган шахсга дахлдор бўлса;

5) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда, унинг шикояти бўлмаса;

6) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

7) Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жабрланувчи билан ярашган бўлса».

д) ЖПК 238-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилиш лозим:

«ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3, 6 ва 7-бандларида қайд этилган асослар билан ишнинг тугатилишига рози бўлмаган ёки ишни умумий тартибда давом эттиришни талаб қилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан келгусида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш мобайнида уй қамоғи ва қамоққа олиш эҳтиёт чораларини қўлланиши мумкин эмас».

е) ЖПК 325-моддасининг биринчи қисми: «149-моддасида» деган сўзлардан кейин «266-моддасининг биринчи қисмида, 268-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилиш лозим; «айбдорни» деган сўзлар «жиноят содир этган шахсни» деган сўзлар билан алмаштирилиш лозим;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилиш таклиф этилади:

«Иш фақат жабрланувчининг шикоят билан қўзғатиладиган ҳолатлар бўйича жабрланувчи дастлаб шикоят берган бўлсада, лекин жиноят иши қўзғатилгунга қадар шикоятини қайтариб олса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин».

ж) ЖПК 333-моддасининг матнини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«Қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш рад этилиши лозим, башарти:

- 1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;*
- 2) шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;*
- 3) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;*
- 4) эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарор жиноят содир этган шахсга дахлдор бўлса;*
- 5) жиноятни содир этган шахс вафот этган бўлса;*
- 6) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;*
- 7) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;*
- 8) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса;*
- 9) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;*
- 10) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.*

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташиклот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини прокурорга юборади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларда, шахснинг қонунга хилоф равишида ушлаб турилиши ёки бошқа ҳуқуқларини чекланилиши натижасида унга етказилган мулкий зарарни ундирилишига ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишига асос бўлади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган ҳодаларга биноан суд томонидан амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4, 5, 8, 9 ва 10-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, жиноят иши қўзғатилиб, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилади.

Терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар дарҳол прокурорга юборилади».

з) ЖПК 373-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

«Ушбу Кодекс 84-моддаси тўртинчи қисмининг 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асос бўлган тақдирда, жиноят ишини тугатиш суд томонидан амалга оширилади».

и) ЖПКнинг 374-моддасини қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:

«Жиноят ишини ЖПК 84-моддасининг биринчи қисми 1, 2, 3, 6 ва 7-бандларида ҳамда тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ишни юритаётган ваколатли мансабдор шахс гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига, шунингдек уларнинг қонуний вакилларига ҳамда ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячининг иштирокида жиноят ишини тугатиш асосининг моҳияти ва уни қўллаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунтириши шарт. Бу ҳақда баённомада қайд этилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ва уларнинг ҳимоячилари, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг қонуний вакиллари имзоси билан тасдиқланади.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёхуд агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг қонуний вакиллари ва ҳимоячилари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин».

биринчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин.

к) ЖПК 63-бобининг номланишидаги «Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини» деган сўзларни «Эълон қилинган амнистия тўғрисидаги қарорни» деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилади.

л) ЖПК 587-моддасининг биринчи қисмидаги; 588-моддасидаги; 590-моддасининг тўртинчи, олтинчи ва тўққизинчи қисмларидаги; 591-моддасининг биринчи қисми 3-банди ва тўртинчи қисмидаги «ўша шахс» деган сўзларни «жиноятни содир этган шахс» деган сўзлар билан

алмаштириш таклиф этилади.

м) ЖПКнинг 29, 36, 38¹, 46, 48, 84, 351, 355, 372, 382, 385, 463, 536¹, 542, 573-моддалари ҳамда 63-бобидаги «амнистия акти» деган сўзларни «амнистия тўғрисидаги қарор»га деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилади.

н) ЖПКнинг 84-моддасида назарда тутилган асослар бўйича жавобгарликдан озод бўлган шахсни айбсизлик презумпцияси принципи талабларидан келиб чиққан ҳолда «айбдор» деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги инобатга олиб, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш қонунга зиддир. Бу эса, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳамда айрим қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда суднинг ҳукми билан айбдор деб топилмаган шахсни ҳисобга олиш ҳолатлари профилактика нуқтаи назардан ижобий самара берса-да, лекин жиноят-процессуал муносабатларда устувор аҳамият касб этган айбсизлик презумпцияси принципи талабларига мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

МУРОДОВ БАХТИЁРЖОН БАХОДИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУТА ПРЕКРАЩЕНИЯ
УГОЛОВНОГО ДЕЛА**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное право
и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО ЮРИДИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Yu18.

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант:

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Инагамжанова Зумратхон Фатхуллаевна
доктор юридических наук, профессор

Тулаганова Гулчехра Захитовна
доктор юридических наук, профессор

Мирзаев Азиз Алишерович
доктор юридических наук

Ведущая организация:

**Центр повышения квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании Научного совета № 14.07.2016.Yu.26.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии министерства внутренних дел (зарегистрирована под №___). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года
(протокол реестра №___ от «___» _____ 2018 года).

У.Х. Мухамедов

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор юридических наук, профессор

И.Ю. Фазилов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор юридических наук

А.Г. Закирова

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, доктор юридических
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация (DSc) докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в быстром и полном раскрытии преступлений, изобличении лица, совершившего преступление, возмещении имущественного ущерба, нанесенного пострадавшему, не привлечении к ответственности и реабилитации невиновного человека важную роль играет институт прекращения уголовного дела. Анализ деятельности судебно-следственных органов свидетельствует о том, что существует необходимость уделять особое внимание вопросам оправдания обвиняемых, незаконно привлеченных к участию в уголовном деле, освобождению от ответственности лиц, случайно вставших на путь преступления и деятельно раскаявшихся в содеянном, а также обеспечению признания вины лицами, совершившими преступление, и их сотрудничества с правоохранительными органами.

В мире вопросы обеспечения защиты от незаконного привлечения невиновных лиц, устранения конфликтов между сторонами путем освобождения лица от уголовной ответственности, совершенствования правового механизма возмещения нанесенного ущерба в результате преступления юридическим и физическим лицам предполагает проведение глубокой научно-исследовательской работы в данном направлении. Вместе с тем, имеет важное значение обеспечение признания вины лицом, совершившим преступление, и его сотрудничества с судебно-следственными органами, упрощение процессуального порядка освобождения от уголовной ответственности лиц, совершивших преступление, обеспечение прав участников при прекращении уголовного дела, поиск научно-теоретических и практических решений уголовно-процессуальных проблем, имеющих в национальном законодательстве, а также в правоприменительной практике.

В нашей республике в целях обеспечения приоритета прав человека реализуются масштабные программные мероприятия. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах предусмотрены такие задачи, как «исправление лиц, совершивших преступление, без привлечения к уголовной ответственности, принятие всех необходимых мер для полного возмещения имущественного ущерба, нанесенного пострадавшим, восстановления нарушенных прав лиц, гуманизация уголовных наказаний и порядка их исполнения, а также совершенствование порядка рассмотрения уголовных дел»¹. Это предполагает упрощение условий применения, основ прекращения уголовных дел, разработку стимулирующих норм, позволяющих освободить от уголовной ответственности лиц, совершивших тяжкие и особо тяжкие преступления, недопущение безосновательного вмешательства в деятельность субъектов предпринимательства и для обеспечения неприкосновенности частной собственности – дальнейшее расширение

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // www.lex.uz.

диспозитивных прав лиц в уголовно-процессуальных отношениях. Одной из актуальных задач является укрепление гарантий обеспечения надежной защиты прав и свобод граждан в деятельности судебно-следственных органов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит исполнению норм Уголовного кодекса Республики Узбекистан (1994), Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (1994), указов Президента Республики Узбекистан № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» от 21 октября 2016 г., № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., № УП-5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности» от 30 ноября 2017 г., № УП-5308 «О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» от 22 января 2018 г., а также других законодательных актов, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование проведено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Исследования по повышению эффективности института прекращения уголовного дела проводятся в высших образовательных учреждениях и научных центрах зарубежных стран, в том числе в American University of Armenia (Армения), Australian Law Reform Commission (Австралия), Harvard University (США), Miskolc University (Германия), Tilburg University (Голландия), University of Delhi (Индия), University of Trento (Италия), Stefan cel Mare Academy (Молдова), Московском университете Министерства внутренних дел России, Волгоградской академии Министерства внутренних дел России, Московской государственной юридической академии, Саратовской государственной юридической академии (Россия), а также Ташкентском государственном юридическом университете и Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Узбекистан).

В результате исследований, осуществлённых в мире по совершенствованию института прекращения уголовного дела, достигнут ряд результатов, в частности: обоснована необходимость применения диспозитивных норм по тяжким преступлениям (American University of Armenia (Армения), Australian Law Reform Commission (Австралия), Miskolc

²Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: <http://aua.am>, www.alrc.gov.au, www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, www.tilburguniversity.edu, www.du.ac.in, <http://www.unitn.it/en>, msal.ru, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, сгюа.рф, mail.va-mvd.ru и другие источники.

University (Германия); определено общественно-политическое, процессуально-правовое, уголовно-правовое и воспитательное значение освобождения от ответственности (Harvard University (США), Tilburg University (Нидерланды), University of Delhi (Индия), Stefan cel Mare Academy Молдова); раскрыта суть основ реабилитации невиновного лица (Harvard University (США), Stefan cel Mare Academy (Молдова), Московский университет Министерства внутренних дел России (Россия); обоснована необходимость получения согласия потерпевшего при прекращении уголовного дела в связи актом амнистии (Саратовская государственная юридическая академия, Волгоградская академия Министерства внутренних дел России (Россия); определены факторы, препятствующие эффективному применению институтов примирения и частного обвинения в уголовных и уголовно-процессуальных законах (Ташкентский государственный юридический университет (Узбекистан); раскрыты возможности института прекращения уголовного дела в борьбе с преступлениями разработаны новая классификация основ прекращения уголовного дела и предложения по совершенствованию данного института (Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Узбекистан).

В мире проводится ряд исследований по совершенствованию института освобождения лица от уголовной ответственности, в частности, в следующих приоритетных направлениях: путем имплементации международных стандартов в национальное законодательство обеспечение приоритетности требований презумпции невиновности в уголовно-процессуальных отношениях; в связи с прекращением уголовного дела расширение круга применения института прекращения уголовного дела; совершенствование деятельности судебно-следственных органов по применению основ прекращения уголовного дела; путем расширения диспозитивных прав личности совершенствование системы профилактики преступности.

Степень изученности проблемы. Общие вопросы применения оснований освобождения лица от ответственности посредством прекращения уголовного дела исследованы в научных трудах таких отечественных ученых, как Г. Абдумажидов, Ш. Бердиев, З.Ф.Иногомжонова, Д. Камалходжаев, Р. Кабулов, А. Б. Кулахмедов, О. М. Махкамов, К. Мирзажонов, Ф. М. Мухитдинов, Ш. Г. Ниёзова, М. А. Ражабова, М. Х. Рустамбаев, С. М. Сахаддинов, Г.З.Тулаганова, А. С. Якубов³ и др.

